

Юртимиз уламолари ташрифи Тошкент шаҳрида давом этяпти



15:12 / 16.10.2021 1148

Аввал хабар берганимиздек, юртимиз уламолари Тошкент шаҳридаги масжидларга ташриф буюришмоқда. Жумладан, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг маслаҳатчиси Салоҳиддин домла Шарипов пешин намозида Учтепа тумани «Ҳазрати али» жоме масжидига ташриф буюриб, маъруза қилиб бердилар, шунингдек Ўзбекистон мусулмонлари идораси бўлим бошлиғи Алижон қори Хайдаров Чилонзор тумани «Дўмбиробод» масжидида жамоат аҳлига долзарб мавзуларда мавъиза қилиб бердилар.

Бундан ташқари Тошкент шаҳар «Убай ибн Каъб» жоме масжиди имом-хатиби Абдулҳаким қори Матқулов Тошкент шаҳар Чилонзор туманида жойлашган «Носирхон тўра» жоме масжидига ташриф буюриб, пешин намозидан сўнг «Ислом тинчлик дини», «Ислом саломатлик дини», «Ислом меҳр мурувват дини» мавзуларида, Бектемир туманидаги Алибек жоме масжидига Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг биринчи ўринбосари Хомиджон домла Ишматбеков ташриф буюриб, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга салавот айтишнинг фазилати тўғрисида суҳбат қилиб бердилар.

Устозларнинг фазилатли илмларидан масжиддаги жамоат аҳли баҳраманд бўлди. Аллоҳ таолодан юртимиз ва халқимиз равнақининг бардавомлигини сўраб, хайрли дуолар қилинди.